



Ислom Нури

Аллоҳ таоло айтади:

«Парвардигорингиз, ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишларингизни амр этди. Агар уларнинг (ота-онангнинг) бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кексалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма! Уларга (доимо) яхши сўз айт! Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут — хокисор бўл ва: «Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимдан тарбиялаб-ўстирганларидек, сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин», деб (ҳақларига дуо қил)!» (Исро: 23,24).

«Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик» (Анкабут: 8).

«Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимдан тарбиялаб-ўстирганларидек, сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин», деб (ҳақларига дуо қил)!» (Исро: 23,24).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Мен Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан: «Ё Расулуллоҳ, қайси амал Аллоҳга энг суюмли?» деб сўрадим. У зот: «Вақтида ўқилган намоз» дедилар. «Кейин қайси?» дедим. «Ота-онага яхшилик қилиш» дедилар. «Кейин қайси?» дедим. «Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш» дедилар (Муттафақун алайҳ).

«Парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғимдан тарбиялаб-ўстирганларидек, сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин», деб (ҳақларига дуо қил)!» (Исро: 23,24).



Ислом Нури

Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, яхши муомаламга ким кўпроқ ҳақли?», деб сўради. «Онанг!» дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам. «Кейин ким?» деб сўради. «Онанг!» дедилар. «Кейин ким?» деб сўради. «Онанг!» дедилар. «Кейин отанг!» дедилар (Муттафақун алайҳ).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, яхши муомаламга ким кўпроқ ҳақли?», деб сўради. «Онанг!» дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам. «Кейин ким?» деб сўради. «Онанг!» дедилар. «Кейин ким?» деб сўради. «Онанг!» дедилар. «Кейин отанг!» дедилар (Муттафақун алайҳ).

Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, яхши муомаламга ким кўпроқ ҳақли?», деб сўради. «Онанг!» дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам. «Кейин ким?» деб сўради. «Онанг!» дедилар. «Кейин отанг!» дедилар (Муттафақун алайҳ).

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига жиҳодга боришга рухсат сўраб келган эди, у зот: «Ота-онанг ҳаётми?», деб сўрадилар. «Ҳа», деди. «Унда сен ўшалар ҳаққида жиҳод қил (яъни, уларнинг розилигини топишга қаттиқ ҳаракат қил)», дедилар (Муттафақун алайҳ).

Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, яхши муомаламга ким кўпроқ ҳақли?», деб сўради. «Онанг!» дедилар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам. «Кейин ким?» деб сўради. «Онанг!» дедилар. «Кейин отанг!» дедилар (Муттафақун алайҳ).



Ислом Нури

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин!», дедилар. «Ким ё Расулуллоҳ?» деб сўралди. «Ким ота-онасидан бирини ёки ҳар иккаласини кексайган пайтларида топса-ю, (уларни рози қилмагани сабабли) жаннатга кирмаса», дедилар (Муслим ривояти).

Шарҳ:

Ота-онанинг фарзанд устида кўп ҳақлари бор, Аллоҳ таоло Қуръонда уларнинг ҳақларини Ўзининг ҳаққи бўлмиш ёлғиз Унга ибодат қилиш ҳаққи билан ёнма-ён келтирди ва инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрди. Чунки, ота-она, хусусан она фарзандларни тарбия қилиб ўстиришда кўпдан-кўп машаққатларни бошдан кечиради. Ота-онанинг фарзандларга меҳр-шафқати табиий бўлгани, аксар ҳолатларда фарзанд — у ҳам ўз бола-чақаси билан машғул бўлиб — кексайган ота-онасидан безътибор қолгани боис Қуръон ва Суннатда хитоб асосан фарзандларга қаратилди ва уларни ота-онага астойдил хизмат қилишга буюрилди.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Ота-онага яхшилик қилиш вожиб, уларга оқ бўлиш, бир оғиз сўз билан бўлса-да уларга озор етказиш ҳаром;
2. Уларга яхшилик қилиш Аллоҳга энг суюмли амаллардан, гуноҳларнинг кечирилишига ва жаннатга киришга сабабдир;
3. Яхшилик қилишда онанинг ҳаққи кўпроқ ва отанинг ҳаққидан муқаддамдир. Чунки она заифа ва кўмакка муҳтожроқ, бундан ташқари у фарзанди сабабли кўпроқ машаққатлар тортган;
4. Ота-онага ҳаётларию мамотларида раҳмат тилаб дуода бўлиш уларнинг ҳақларидандир;



5. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кекса ота-онасига яхшилик қилмаган кишига хорлик тилаб дуо қилганлар.